

# Аёл кишининг ўз уйида қарор топиб ўтириши

«Аёллар учун махсус дарслар силсиласи» дарсидан иқтибос

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



Абдулҳафиз домла



Таҳрир: Абу Абдуллоҳ Шоший

# قرار المرأة في بيتها

مقالة مقتبسة من كتاب شرح الأربعون النسائية

[ الأوزبكي – Uzbek – Ўзбекча ]



عبد الحفيظ داملا

ۛۛۛۛ

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

## Аёл кишининг ўз уйида қарор топиб ўтириши



Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бутун борлиқни Ўз ҳикмати билан яратди, шу ҳикматига биноан Аллоҳ таоло бу махлуқотларни жонли ва жонсизлар қилиб яратди. Жонлиларини буйруқ ва қайтариқлар билан синади. Бу жонлиқларини эркак ва аёлга ажратди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло аксар буйруқларида ва қайтариқларида хитобни бу икки жинсга қаратган бўлсада, Ўз ҳикматининг тақозосига кўра, эркак қилиб яратган бандаларига ўзларига хос, аёл қилиб яратган бандаларига ўзига хос ҳукмларни ҳам баён қилди. Чунки, уларнинг ўзига хос табиатлари бор. Ўзларининг жисмоний тузилишларига кўра қайсидир ишларга мукаллаф бўладилар. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб шайх Муҳаммад бин Шокир аш-Шариф салафларнинг йўлларига эргашиб, аёлларга хос бўлган қирқта ҳадисни жамлаганлар ва буни ўзлари шарҳлаганлар. Китоб ниҳоятда бугунги замон талаби бўлгани учун ҳамюрт опа-сингилларимиз учун фойдали

бўлсин деб ушбу китобдан дарс қилишликни ирода қилдик.

Китобимиз бешта китобдан ва қирқ учта бобдан иборатдир. Одатда “Арбауна Нававия” ва бундан бошқа кўп мавзуларда қирқтадан ҳадис жамланган. Аслида қиртқ дейилса ҳам қирқтадан ошиқ бўлади, аксар ҳолатда қирқ иккита, қирқ учта, қирқ бештагача бўлади. Шайх Муҳаммад ҳам қирқ учта ҳадис жамлаганлар.

Китобнинг аввали “كتاب قرار المرأة في بيتها”, деб номланади, яъни “Аёл кишининг ўз уйида қарор топиб ўтириши” ҳақидаги китоб. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларини ва уларга тобе ўлароқ мусулмонларнинг аёлларини ҳам ўйларида қарор топиб ўтиришларига буюрди.

Аллоҳ таоло деди:

“وَقَرْنَ فِي بُيُوتِكُنَّ وَلَا تَبَرَّجْنَ تَبَرُّجَ الْجَاهِلِيَّةِ الْأُولَى”

“Уйларингизда қарор топинглар ва аввалги жоҳилият очиқлигида очиқланманглар”.

“Вақорна” калимаси икки хил қироатда ўқилган: “Вақорна” ва “Вақирна” қоф биринчи-

сида фатҳа билан иккинчисида касра билан ўқилган. Аҳли Мадина ва баъзи Күфийлар “Вақорна” деб ўқиган бўлсалар, Куфа ва Басраликларнинг аксарлари “Вақирна” деб ўқиганлар. Ҳар икки калиманинг ўзига хос маъноси бор. “Вақорна” дегани қарор топинглар дегани, яъни қарор топиб ўрнашинглар, яъни ўша ўрнашган жойларингдан кўчманглар, чиқманглар дегани. “Вақирна” дегани эса аҳли сакина, аҳли вақор бўлинглар, яъни виқорли бўлинглар дегани. Агар бир оят бир неча хил қироатда ўқиладиган бўлса, ҳар бир қироат ўзига хос маънони ифода қилади ва ўзига хос ҳукми ҳам ифода қилади.

Демак, “Вақорна” дегани уйлариингизда ўтиринглар, қарор топинглар, уйлариингиздан чиқманглар, “Вақирна” виқор билан ўтиринглар, яъни уйларида виқор билан, яъни хорланиб эмас виқор билан уйда ўтиринглар деган маънони англатяпти. Оятда агар эътибор берган бўлсак, Аллоҳ таоло “وَقَرْنَ فِي بُيُوتِكُنَّ” деб уйларни аёлларга нисбатлади, уйлариингизда деди, яъни гарчи уйлар аксар ҳолатда эрларники бўлса ҳам, бу ерда аёлларнинг уйларга алоқаси катта бўлгани учун уйлариин-

ғизда ўтиринглар, деди, яъни уйни аёл кишига нисбатлади. Бундан ташқари оятнинг давомида Аллоҳ таоло дедики:

“وَلَا تَبْرَجْنَ تَبْرُجَ الْجَاهِلِيَّةِ الْأُولَى” у табарруж дегани очилиш дегани, яъни уйда ўтиришга буюришликдан кейин шунини бевосита орқасидан Аллоҳ таоло аёлларни жоҳилиятдаги каби очилмасликка буюрди, яъни очилишдан қайтарди. Бу ҳам аёл кишини уйда ўтиришлигига бир таъкиддир, яъни уйларида ўтирсинлар, кўчага чиқмасинлар. Кўчага чиқиш одатда аёл кишини очилишига сабаб бўлади. Демак, оятнинг маъносидан бизга очиқланияптики, аслида аёл киши уйда ўтириши керак экан. Агар аёл киши ўзини билиб уйда ўтирса яхши, агар ўтирмайдиган бўлса, унинг валийси отаси бўлсин, эри бўлсин, акаси бўлсин, аёлни уйда ўтиришликка мажбур қилиши керак.

Аёл киши агар зарурат бўлмаса уйдан чиқмаслиги асл эканлигини айтиб ўтдик. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, бир куни Савда розияллоҳу анҳо ҳижоб фарз бўлгандан кейин бир ҳожати учун чиқдилар, у аёл гавдали аёл бўлганлиги учун таниган одамлар уни ҳижобда ҳам таниб оларди. Ана

шу чиққанида уни Умар розияллоҳу анҳу кўриб қолдилар ва айтдиларки: Ў Савда, Аллоҳга қасамки, биз сени таниймиз, сен нимага, қандай чиқаётганинга қараб қўйгин, деди. Яъни Умар розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг аёлларини кўчага чиқиб озорланиб қолишларини қариқ кўрардилар, гарчи ҳижобда бўлсалар ҳам. Шунда Савда онамиз тез орқаларига қайтдилар ва Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирдилар. Оиша онамиз айтадиларки: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам менинг уйимда кечки овқатни еб ўтирган эдилар, қўлларида ҳаттоки бир устихон-суяк бор эди, гўштини еб тургандилар. Шунда Савда кириб: Эй Расулulloҳ, мен шу ҳожатим учун чиққандим, Умар мени кўриб қолиб шундай, шундай, деди, деб айтдилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга шу лаҳзанинг ўзида оят нозил бўлди ва оят нозил бўлганидан кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: “Сизларга ҳожатларингиз учун чиқишга рухсат берилди”. Демак, аёл киши уйдан ҳожати бўлсагина чиқишилиги керак

экан. Агар ҳожати бўлмайдиган бўлса, аёл киши уйида ўтириши керак экан.

Аёл кишининг уйида ўтиришлигининг жуда ҳам кўп фойдалари бор. Шу фойдаларнинг баъзиларини зикр қилиб ўтамыз.

Аёл кишининг уйда ўтиришлиги ўзи учун ҳам, аҳли оиласи учун ҳам, жамияти учун ҳам фойдалидир.

Буларнинг, яъни фойдаларнинг энг биринчиси: Агар уйда ўтирадиган бўлса, у Парвардигори, Рабби — Аллоҳ таолога ва Расулига итоат қилади.

Иккинчиси: Турмуш ўртоғининг хизмати, унинг ҳожатларини бажариш учун бемалол вақт топади. Фарзандларини тарбиялаш учун, уларга қараш учун етарли вақтга эга бўлади. У бу ишларни боғчаларга, ёки тарбияловчи аёлларга, энагаларга қолдирмасдан ўзи қилади.

Фойдалардан яна бири: Уйига қарайди, уйни тозалигига эътибор беради, уйни тартиблайди.

Фойдалардан яна бири: Инсоннинг ҳаётида энг муҳим бўлган "вақт"га эга бўлади. Вақти



етарли бўлади, Аллоҳ таолонинг ибодати учун, динини ўрганиш учун, илм ўрганиб, амал қилиш учун етарли вақти бўлади. Ундан ташқари аёл киши роҳатул бадан, яъни кирди-чиқди, борди-келдилардаги машаққатлардан роҳатда бўлади.

Фойдалардан яна бири: Агар бир аёл уйда ўтирган бўлса ва ҳамма ишларни чиройли бажараётган бўлса, у ўзидан бошқа аёлларга ҳам намуна бўлиши мумкин ва агар бошқа аёллар ҳам шу аёлдан ўрнак олиб уйда ўтирсалар, бунинг ортидан унга улкан ажр-савоблар келади. Аёл кишининг уйда ўтириши унга кўп фойдаларни олиб келади. Масалан, унинг динини сақлайди, унинг ўзини, обрўсини сақлайди. Кўчага чиққан пайтда у бировларга озор бермаса ҳам, бошқалар унга озор бериши мумкин. Унга қараши мумкин, қараш билан озор бериши мумкин, гап билан озор бериши мумкин, ҳар хил усулларда озор бериши мумкин. У мана шу озордан саломат бўлади. Эҳтимол, кўчаларда, тиқилинч жойларда эркаклар билан аралашишга тўғри келиб қолар. Кўчага чиқмаган аёл мана шу ишларнинг ҳаммасидан саломат бўлади.

Энди, бу аёл кишининг кўчага чиқиши, ишлаши ва ҳоказо бу хусусида, иншааллоҳ, ўз ўрнида гаплар келади, яъни гапирилади, иншааллоҳ.

Ҳозир аёл киши аслида нима қилиш керак? Уйда ўтириши керакми ёки кўчага чиқиб жамаатнинг бир бўлаги бўлиб, эркаклар билан теппа-тенг кўчада юриши керакми?, деган саволга жавоб бўлди, холос биринчи дарсимиз.

## Биринчи боб



### Аёл кишининг уйида ўтириши у учун ҳаттоки масжидга бўлса ҳам чиқишдан кўра яхшироқ экани ҳақидаги боб

عَنْ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا  
تَمْنَعُوا نِسَاءَكُمْ الْمَسَاجِدَ، وَبِئْسَ لِهِنَّ خَيْرٌ لهنَّ»

Ибн Умар розияллоҳу таала анҳумодан ривоят қилинади, у киши дедилар: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Аёлларингизни масжидлардан ман қилмангиз. Уйлари улар учун яхшироқдир” (Бу ҳадисни Абу Довуд намоз китобида 567-рақам билан ривоят қилганлар, шайх Албоний Саҳиҳ Сунан Абу Довудда 530-рақам билан саҳиҳ санаганлар).

Аллоҳ таолонинг юқоридаги буйруғини эшитган мусулмон эркаклар аёлларни уйда ўтиришликка шу даражада мажбур қилишга етдиларки, ҳаттоки улар аёлларни масжиддан ҳам тўсиб қўйишликка бордилар. Шунда

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам муслмон эркакларни, умуман муслмонларни аёл кишининг масжидга чиқиш ёки чиқмаслик хусусида тўғри йўлга йўллаб қўйдилар. Яъни, агар аёл киши масжидга чиқиб намоз ўқийман дейдиган бўлса, ўзига хос шарт-шароитларга амал қилиб чиқадиган бўлса, аёлларни ман қилмасликни баён қилишликлари билан бирга аёллар учун уйлари яхшироқ эканлигини уқтириб ўтдилар. Аёл киши учун уйи яхшироқ эканлигига далолат қилувчи бир нечта ҳадислар бор. Шулардан баъзиларини келитириб ўтамыз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سُوَيْدٍ الْأَنْصَارِيِّ، عَنْ عَمَّتِهِ أُمِّ حُمَيْدٍ امْرَأَةِ أَبِي حُمَيْدٍ السَّاعِدِيِّ، أَنَّهَا جَاءَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أُحِبُّ الصَّلَاةَ مَعَكَ، قَالَ: «قَدْ عَلِمْتُ أَنَّكَ تُحِبُّنَ الصَّلَاةَ مَعِي، وَصَلَاتِكَ فِي بَيْتِكَ خَيْرٌ لَكَ مِنْ صَلَاتِكَ فِي دَارِكَ، وَصَلَاتِكَ فِي حُجْرَتِكَ فِي حُجْرَتِكَ خَيْرٌ مِنْ صَلَاتِكَ فِي دَارِكَ، وَصَلَاتِكَ فِي دَارِكَ خَيْرٌ لَكَ مِنْ صَلَاتِكَ فِي مَسْجِدِ قَوْمِكَ، وَصَلَاتِكَ فِي مَسْجِدِ قَوْمِكَ خَيْرٌ لَكَ مِنْ صَلَاتِكَ فِي مَسْجِدِي» ،

قَالَ: فَأَمَرْتُ فَبَنِي لَهَا مَسْجِدًا فِي أَقْصَى شَيْءٍ مِنْ بَيْتِهَا وَأَطْلَمِ،  
فَكَانَتْ تُصَلِّي فِيهِ حَتَّى لَقِيتِ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ.

Бу ҳадисни Имом Аҳмад ривоят қилганлар. Умму Ҳумайд Абу Ҳумайд ас-Соидий розияллоҳу анҳумонинг аёллари Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузуларига келди ва айтдики: Эй Расулulloҳ, мен сиз билан бирга намоз ўқишни яхши кўраман. У зот дедиларки: "Мен сизни мен билан намоз ўқишни яхши кўришингизни билдим. Шундай бўлсада сизнинг уйингизда ўқиган намозингиз, ҳужрангизда ўқиган намозингиздан кўра яхшироқ. (Ҳужра деб бугунги кундаги уйдаги зални айтилади, ёки даҳлиз десак ҳам бўлади.) Сизнинг залингизда ўқиган намозингиз, ҳовлингизда ўқиган намозингиздан кўра яхшироқдир. Ҳовлингизда ўқиган намозингиз, маҳалла масжидингизда ўқиган намозингиздан яхшироқдир. Маҳалла масжидингизда ўқиган намозингиз, менинг масжидимда ўқиган намозингиздан кўра яхшироқдир", дедилар. Шунда бу аёл Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мақсадларини яхши тушундилар ва аҳлига буюрдилар, улар унга

уйининг энг ичкарасига ва энг қоронғи жойига бир масжид қуриб беришди. Масжид деганда, бир намоз ўқийдиган алоҳида жой қилиб беришди. У аёл то Аллоҳ азза ва жаллага йўлиққунича мана шу ерда намоз ўқиди. Яъни, ўла-ўлгунча мана шу жойдан чиқмади. Намоз ўқимоқчи бўлса, фақат шу жойда намоз ўқиди.

Бу маънодаги ҳадислардан яна бирини Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қилган, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ул зот дедилар:

عن عبد الله بن مسعود رضي الله عنه ، عن النبي صلى الله عليه وسلم قال : ( صلاة المرأة في بيتها أفضل من صلاتها في حجرتها ، وصلاتها في مخدعها أفضل من صلاتها في بيتها )

Бу ҳадисни ҳам Абу Довуд ривоят қилганлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аёл кишининг уйида ўқиган намози, ҳужрасида ўқиган намозидан кўра афзалроқдир. (Ҳужра зал эканлигини айтиб ўтдик.) Унинг чимилдиғининг ичида ўқиган намози, уйида ўқиган намозидан кўра афзалроқдир”. Уйи деганда, масалан, аёл кишининг бугунги кунда ётоқхонасини тушуни-

ладиган бўлса, “мухдаъ” дегани, бу уйнинг ичида одатда бир алоҳида қимматбаҳо нарсаларни сақлаб қўйиладиган кичкина бир омборга ўхшаган жойга айтилади. Бизда чимилдиқ кўпроқ тўғри келади. Келинчак, янги келин ўзининг ётоқхонасида ҳам чимилдиқнинг ичида ўтиради, худди шунга ўхшаш “чимилдиғининг ичида ўқиган намози уйида ўқиган намозидан афзалроқ”, дедилар. Демак, бу ердаги афзаллик нимада бўляпти? Афзаллик қанча кўздан йироқ бўлса, шу афзалроқ бўляпти.

Ҳаммага маълумки, масжидда намоз ўқиш, масжидга бориш, масжиднинг фазли маълум ва маъруф, буни ҳамма билади. Бу масжид Аллоҳ таолонинг зикри учун, Аллоҳ таолонинг номини баралла айтиб ибодат қилиш учун қурилган жойлардир. Шундай бўлишига қарамасдан аёл кишини мана шу масжидга чиқишидан кўра уйида туриб ўқиган намози афзал эканлиги баён бўлди. Аёл киши шундай улуғ жой-масжидга чиқмасин, дейилганидан кейин, бозорларга, мўлларга, паркларга, дам олиш боғларига, эркак-аёллар аралашиб, ким муסיқа эшитган, ким, яъни бутун мункарот-

ларга тўлиб-тошган жойларга чиқаётган аёлларга нима дейиш мумкин?! Аллоҳ таоло Ўзи ислоҳ қилсин!

Ушбу ҳадисдан қуйидаги фойдаларни олиш мумкин:

— Аёллар масжидга чиқмоқчи бўлсалар, эрлари уларни тўсишлиги мумкин эмас.

— Аёлларнинг уйларида ўқиган намозлари, масжидда ўқиган намозларидан кўра яхшироқ экан.

— Аёл кишини масжидга чиқиши жоиз.

— Аёл кишининг уйида ўқиган намози, урта энг машҳур масжидларда ўқиган намозидан кўра ҳам афзалроқдир. Масжидул Ҳаромда, Масжидун Набийда ва Масжидул Ақсода ўқиган намозидан ҳам афзалроқдир. Бу қаердан олинди, деб кимдир эътироз билдириши мумкин?

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисни айтган пайтларида ўзлари Мадинада эдилар, масжидларининг фазилати маълум эди, "менинг масжидимда ўқиган намозингиздан кўра яхшироқдир", дедилар. Шундай бўлса ҳам аёл кишини уйда ўқиган



намозларини афзаллигини айтдилар ва бундан ташқари истисно қилиб айтиб қўймадиларки, менинг масжидимда ёки Масжидул Ҳаромда ўқиган намози афзалроқдир, демадилар.

— Яна оладиган фойдамиздан бири: Масжидларда намоз ўқишнинг афзаллиги ва бунга бўлган тарғиб эркакларга хос, аёлларга эмас экани.

— Фойдалардан яна бири: Уйлар эркакларники бўлсада аёлларга ҳам буни изофа қилиб, уйлари деб айтишнинг жоизлиги. Гарчи улар у уйга эга бўлмасалар ҳам.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан ушбу бошлаган дарсларимизни ўзимиз учун ҳам, бутун муслима опа-сингилларимиз учун ҳам фойдали қилишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.

